


31-iyul
2025-yil 30 (1 132)



O'ZLiDeP



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ



ТАДБИРКОРЛАР КУНИ

ЯҚИНЛАШАПТИ!

20 август – Тадбиркорлар кунини...

Тўрт йилки, ушбу сана арафасида мамлакатимизнинг турли бурчақларида тараққиётимиз локомотивлари дея аталаётган қатлам вакиллари ғоят масъулиятли очиқ мулоқотга жиддий тайёргарлик кўришади. Чунки бу учрашувда давлат раҳбарининг ўзи шахсан иштирок этади!

Маълумки, кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имконият ва имтиёзлар

яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада эришилётган ютуқ ва муваффиқиятлар ўз йўлига, лекин айрим ҳолларда тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган, очиқчасига қаршилик қилинаётганига оид мисоллар, воқеалар ҳам учраб турибди. Бундан кўз юмиб бўлмайди, албатта.

Эсликки, Президентимиз бундан аввалги мулоқотларда, аввало, тадбиркорлик бобида тенг рақобат муҳити шаклландирди, айниқса, саноат ва савдо сиёсатида кенг йўл очилмаса,

ривожланиш, юксалиш бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас. Бу, эртанги кунимиз учун ўзига хос мезон бўлиши аниқ. Бугун эжаҳонда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий ва табиийки, иқтисодий бўҳронлар кўпчиликни хавотирга солаётгани аён. Шу маънода жорий йилнинг 20 августидан ўтказилаётган учрашувни О'зЛиDeP электорати вакиллари бўлмиш тадбиркорлар, ишбилармонлар самимий ҳаяжон билан орзиқиб куттишадигани бежиз эмас. Чунки шу кунларда юрти-

мизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳа ходимлари билан мулоқотлар тақдир этилиб, уларни ўйлантираётган муаммолар чуқур таҳлил этилмоқда.

Шу муносабат билан биз газетамизда "Тадбиркор минбари" руқни орқали партияимиз фаоллари ҳамда маслаҳодчиларимизнинг Тадбиркорлар кунига бағишланган тақлиф, фикр-мулоҳазаларини чоп этишни режалаштирдик.

Марҳамат, минбар сизники!



БУГУНГИ СОНДА:

Хоразмда чироқ ўчмайди...ми?! 2.



Ҳар бир миллатнинг қадр-қиммати улуг 5.



Абдуқанош Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи: Ўйлаёмиз, ёзаяпмиз, яшаяпмиз... 6.



МУНОСАБАТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИДИР



Ахтам ХАЙТОВ,
О'зЛиDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Кунини кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселекторда мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда кейинги уч йилда 250 минг гектар пахта ва ғалла ери озиқ-овқат этиштиришга берилди, 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди, эскирган 107 минг гектари янгиланди, 1 миллиард долларлик 1,5 мингта озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди. Бундан ташқари, 100 минг тонна сақлаш, 70 минг тонна қуритиш, 46 минг тонна саралаш ва қадоқлаш қувватлари яратилди. Натижада ўтган 6 ойда озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион доллар бўлди. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайди.

Давлатимиз раҳбари халқаро вазият кун сайин ўзгариб бораётгани, йилдан-йил-

га такрорланаётган об-ҳаво инжиқликлари, "аномал иссиқ" ва "аномал совуқ" деган тушунчалар одатий ҳолга айланиб улгурганига эътибор қаратди. Бундай қалтис шароитда ҳар бир экспорт бозори мамлакатимиз учун ўта муҳимлиги, керак бўлса, иқтисодий хавфсизликнинг устувор йўналишларидан бири экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис соҳа масъуллари ва ҳокимлар об-ҳавонинг баҳона қилавермасдан, шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар этиштиришга ўттиши зарурлиги қайд этилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий хавфсизлик учун муҳим бўлган иссиқхонада маҳсулотни кўпайтириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди. Президентимиз иссиқхоналар ҳақида гапириб, бу озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий хавфсизлик масаласи ҳисобланади, дея таъкидлади.

Эндиликда иссиқхоналар, тоифасидан қатъи назар, ер солиғини қишлоқ хўжали-

ги ерлари ставкасида тўлайди. Бу ҳозирги кунда иссиқхоналарни молиявий қийин вазиятга туширган муаммонинг тўғри ечими бўлди. Яна бир янгилик: 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Натижада расмий ишчиларни кўпроқ ёллаш учун имкониятни кенгайтиради, рақобат шароитида маҳсулот таннархига ҳам ижобий таъсир қилади.

Иссиқхоналарни иситиш тизими бўйича янги ва қулай шартлар асосида тадбир кўриш вазифаси ҳукуматнинг тегишли идораларига топширилди. Экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент вилоятидаги иссиқхоналар фаолиятининг ҳаво сифатига салбий таъсири билан боғлиқ муаммоларни уziel-кесил ҳал қилиш масаласи кўйилди.

Солиқ қўмитасига бутун тизими, таҳлилий ва ақл марказларини сафарбар этиб, иссиқхоналардан қисқартирилган газ қайси соҳаларга йўналтирилгани ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш, агар газ берил-

ган бошқа соҳаларда қўшилган қиймат кам бўлса, газни иссиқхоналарга йўналтириш топширилди.

Президентимиз айтиб ўтганидек, дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар ва Сув кодексининг қабул қилинган сув танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Эндиликда депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгаш вакилларидан қишлоқ хўжалигида даромадни ошириш, экспортни рағбатлантириш, тадбиркорларни стандартлар жорий қилиш ва сертификат олишга ўргатиш бўйича фаол бўлиб, қонунчиликка оид янги тақлиф бериш талаб этилади.

Партияимиз электорати бўлган тадбиркорлар ва фермерлар учун муҳим бўлган мақур масалаларда, жумладан, қонунларни такомиллаштириш ва ижросини таъминлаш борасида депутатларимиз ҳукумат идоралари билан фаол ҳамкорликда иш олиб боради.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ фаолияти такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифи ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари ташриф давомида Президентимиз томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайд этган ҳолда, бу борада партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифаларни белгилаб олдилар.

Йиғилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

– Қонун лойиҳаси билан маҳаллий кенгаш раиси ва

ҳоким лавозимлари бир-бирдан ажратилганлиги сабабли, амалдаги 9 та кодекс ва 71 та қонун қайта кўриб чиқилди, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фирдавс Курбанов. – Уларда назарда тутилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари "Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қайта тақсимланмоқда.

Шунингдек, маҳаллий кенгашларга ҳокимликлар-

нинг 28 та ваколати ҳамда қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига умумий берилган ваколатларнинг аниқлаштирилиши натижасида яна кўшимча 33 та, жами 61 та ваколат ўтказилмоқда. Хусусан, маҳаллий вакиллик органларига жойларда ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш, комплекс дастурларни тасдиқлаш, қонунийликни таъминлаш бора-сидаги кенг ваколатлар юклатилмоқда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига эса қабул қилинган қонун ҳужжатлари, дастурлар ижросини таъминлаш, ижро

билан боғлиқ бошқа вазифа ва функциялар белгиланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан бир қатор саволларни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари томонидан берилган тушунтиришдан сўнг ушбу ҳужжат қўллаб-қувватланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири



ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА

ХОРАЗМДА ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ...МИ?!



Истеъмолчилар сони кун сайин ошиб бораётган ҳозирги кунда электр таъминотида муайян узиллишлар содир бўлаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Бу камчиликлар совиқ шўро даврдан мерос қолган ускуналар эскиргани, олдинги йилларда бунга эътибор қаратилмагани билан изоҳланади.

Хоразм вилояти аҳолиси сони истиқлол замонидан деярли икки ҳисса, Тахياتош иссиқлик электр станцияси қуриб, ишга туширилганига ярим асрдан ошгани, тadbirkorлик субъектлари, завод-фабрикалар, дўконлару ошоналар сони бир неча ўн бараварга ортгани ордан электр таъминотида тақчиллик юзага келганини тушуниш мумкин. Ҳар бир хонадонда электр токида ишлайдиган

станциясини ишга туширишлари ордан бу ҳудуднинг электрга бўлган талабини деярли 85 фоиз қоплашга муваффақ бўлинган эди.

Яқинда бу ёқда хушхабар тарқалди: йил охиригача воҳанинг электр энергияси билан таъминланиш кўрсаткичи юз фоизга етди!

Албатта, саволлар кўп эди, ҳўш, бундай натижага қандай эришиш мумкин?



маиший ва бошқа электрон ускуналарнинг сўнгги йилларда ҳаддан зиёд кўпайганини айтиб ўтирмайлик.

Воҳа аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш дастури доирасида беш йил муқаддам Янгиариқ туманида туркиялик ҳамкорлар катта кучланишдаги иссиқлик электр

Вилоятнинг кенжа тумани ҳисобланмиш Тупроққалъанинг Саримой қишлоғи ҳудудида Франциянинг "Vo Italia" компанияси томонидан қуввати 126 мега ватт бўлган қуёш электр станциясини барпо этиш бошланди. 180 гектар майдонни эгаллаган мазкур станцияга 180 минг дона қуёш

панеллари ўрнатилади. "Яшил энергетика" соҳасидаги ушбу йирик лойиҳа амалга оширилиши натижасида 60 мингдан ортиқ хонадон узлуксиз электр энергияси билан таъминланади. Бу дегани мазкур қуёш электр станцияси воҳанинг шарқда жойлашган икки туман – Тупроққалъа ва Ҳазорасп аҳолиси мушкулларини осон қилади. Айни шу ҳудудда "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси жойлашгани, бу ерда ҳар йили ўнга яқин янги лойиҳалар амалиётга айлантирилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, бу янгиликнинг баҳоси бир неча баробар ошмиш тайин.

Юқориди янги қуёш электр станцияси учун 180 гектар ер майдони ажратилганини айтдик. Хоразмда ҳар бир қарич ер ҳисобда, бунинг устига аҳоли зичлиги банд бўлган ҳолатда шунча ер майдони ажратилгани тўғрими, деган савол туғилади. Тупроққалъа тумани ҳудудининг ярмидан кўпроғини Қизилқум саҳроси эгаллаган. Қуёш электр станцияси айнан саҳрода барпо этилмоқда. Бунинг албатта мусбат томонлари кўп. Саҳрога бошқа ҳудудларга нисбатан қуёш нурлари уч баравар кўпроқ тушади. Демак, қуёш электр станциясининг самардорлиги ҳам шунга яраша бўлади.

Ҳозирда қуёш панелларини ўрнатиш ишлари тезкорлик билан олиб борилапти. Яқин кунларда фарангистонликлар компанияси барпо этилган қуёш электр станцияси ишга тушади ва воҳада муқаддам кузатилган чироқ ўчишлар тарихга айланади.

Янги иншоотда 250 киши иш билан таъминланишини айтсак, юртимизга кириб келаётган инвестицияларнинг қадр-қиммати яққол намоён бўлади.

Рўзимбой ҲАСАН,
"XXI asr" мухбири

МУЛОҚОТ



Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Босув маҳалла аҳлининг Жўрғи Кенгеси депутати Ғулмуҳаммад Эшнӣёзов ҳамда халқ депутатлари туман кенгаши депутати, O'zLiDeP туман кенгаши раҳбари Яхшимурод Аҳмедов билан ўтказилган учрашуви кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

сўмлик тендер қийматига эга бўлган ушбу объект тумандаги таълим инфратузилмасини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Депутатлар қурилиш сифатини назорат қилиш, белгиланган муддатларда ишларни якунлаш, лойиҳанинг ҳар бир

ҚОҒОЗДАГИМАС, АМАЛДАГИ ҲИСОБОТ КЕРАК

Мулоқотда асосан маҳалла фаоллари ва оддий сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилди. Айниқса, фуқаро Қурбанбой Бобоёнов томонидан кўтарилган ушбу муаммо жиддий эди: "Босув маҳалласида тиббиёт пункти мавжуд эмаслиги сабабли одамлар ҳатто оддий муолажа олиш учун ҳам марказий шифохонага боришга мажбур. Шу муносабат билан, агар имкони бўлмаса, хашар ёки ҳомийлик йўли билан қишлоқ шифокорлик пункти қурилиши таклиф этаман".

Шунингдек, ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллада уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун футбол ва волейбол майдончалари барпо этиш таклиф қилинди. Бу ташаббус миллий ва халқаро анжуманларда кўтарилаётган ёшлар сиёсати, жумладан, БМТнинг "Ёшлар учун хавфсиз жойлар" концепциясига тўла мос келиши эътироф этилди.

Шунингдек, фуқаро Латиф Ҳожибоев ўқувчиларнинг мактабга бориб-келишида хавфсизлик масаласига эътибор қаратиб, 26-сонли умумтаълим мактабидан Манғит айланма йўлига чиқувчи йўл бўйига пиёдалар йўлакчаси барпо этиш лозимлигини билдирди. Мазкур ташаббус ҳам "Хавфсиз пиёда ҳаракати" халқаро лойиҳаларида қайд этиладиган устувор йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди.

Учрашувдан сўнг халқ вакиллари амалий депутатлик назоратини амалга ошириш мақсадида Босув маҳалласидаги ичимлик суви таъминоти оид қурилиш ишлари билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур

лоийҳа давлатимиз раҳбарининг махсус қарори ва Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги 29 миллион долларлик дастур доирасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Депутатлар қурилиш ишларида смета ҳужжатларига ва тасдиқлан-

ган техник стандартларга қатъий амал қилиш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, қурилиш харитасини маҳалланинг кириш қисмига жойлаштириш каби муҳим тавсияларни бердилар.



ган техник стандартларга қатъий амал қилиш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, қурилиш харитасини маҳалланинг кириш қисмига жойлаштириш каби муҳим тавсияларни бердилар.

Халқ сайлаган ноиблар Чойкўл овулида қурилаётган 59-сонли мактаб қурилишини ҳам кўздан кечиридилар. Бу ерда 180 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳамда спорт зали барпо этилмоқда. 1 млрд 832 млн

босқичида масъулиятни оширишга оид таклифларини билдиришди.

Бир сўз билан айтганда, сайловчилар ва депутатлар ўртасидаги бундай очиқ мулоқот – фуқаролик жамиятининг ривожланиши, давлат ва жамият ўртасидаги ишончли

алоқанинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Депутатлар томонидан берилаётган ҳисоботлар – бу шунчаки расмий талаб эмас, балки халқ олдидаги масъулиятни англаш ва амалга оширилган ишларга нисбатан ҳолис баҳо эшитишнинг имкониятидир.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
матбуот хизмати

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БОЙЛИК КЕЛАЖАККА САРМОЯДИР

ЖИЗЗАХ

Ислохотлар самараси чекка ҳудудларда ҳам бутун буй-басти билан намоён бўлмоқда. Яқин-яқингача иш, имкон йўқлигидан тирикчилик илинжида далада кетмон чопиб юрган хотин-қизлар бугун турли йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, катта ютуқларни кўлга киритмоқдалар. Уларнинг сони кундан кунга ошиб бормоқда.

O'zLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан бири – “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ана шундай замондошларимизни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда жуда кўл келмоқда. Жиззах вилоятида қизгин давом этаётган ушбу танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ҳатто тажрибали ҳайъат аъзоларига ҳам осон бўлмапти.

Мисол учун, танловнинг **Мирзачўл туман** босқичида 12 та маҳалла ғолиблари орасида Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор Руқия Қарашова ғолиб деб топилди. Маҳсулотлари ҳатто пойтахт бозорларини ҳам обод қилаётган Руқияxon “Аёллар дафтари”да турувчи хотин-қизлардан 5 нафарини доимий, 7 нафарини эса мавсумий иш билан таъминлаган. У шунингдек 30 га яқин шогирдига чеварчилик сирларини ҳам ўргатмоқда.



Ҳудуддаги мавжуд 12 та маҳалла ғолиблари қатнашган кўрик-танловнинг Дўстлик туман босқичида эса Наврўз маҳалласидаги “Улуғмуродов Азатулло” фермер хўжалиги раҳбари Юлдуз Холматова фаолияти алоҳида эътироф этилди. 100 гектар майдонда фаолият олиб бораётган хўжалиқда 10 нафар киши доимий, 20 нафардан ортиқ киши мавсумий иш билан таъминланган. Жорий йилда 60 гектар майдонда шартномавий режага нисбатан 8 тоннадан ошиб ғалла етиштирилди. 25 гектардан зиёд майдондаги ғўза ривож авжида. 35 та чорва моли ҳам парваришланмоқда.

– Келгусида маҳсулотларимизни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз, – дейди Юлдуз Холматова. – Натижада маҳсулот таннархи арзонлашади, исрофнинг олди олинади ва яна ўнлаб маҳалладошларимиз иш билан таъминланади.

Айни пайтда ҳудудларда ғолибликни кўлга киритган ишбилармон аёллар танловнинг ҳал қилувчи ҳудудий республика босқичига тайёргарликни бошлаб юборишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” мухбири

КАШҚАДАРЁ

Гулшоданинг тадбиркорликка қўл урганига ўн йилдан ошди. Меҳнат фаолиятини дастлаб Янги Миришкор маҳалласида гўзаллик салони ташкил этишдан бошлаганди. Кейинчалик тикув цехини ишга тушириб, ўндан ортиқ маҳалладошини иш билан таъминлади. Шу тариқа “Elegant Jasmín ziyo nur” ўқув марказига асос солди.

Бугунги кунда мазкур даргоҳда ёшларга хорижий тиллар, сартарошлик, қандолатчилик, гиламчилик, каштачилик, қуроқчилик бўйича хунара ўргатишмоқда. Ҳозирга қадар 600 дан ортиқ ёш марказни битириб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Хунарамандчилик билан шуғулланишиб, рўзгорларига барака қилишяпти. Марказда 17 нафар “Аёллар дафтари”даги ва ногиронлиги бор хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган.

Ишбилармон аёл **Миришкор тумани**нинг чекка ҳудуди ҳисобланган Гулшанбоғ қишлоғида ҳам марказнинг филиалини очиб, 200 нафар хотин-қизга хунара ўргатди. Натижада бу ерда ҳам гўзаллик салони, тикув ва қандолат цехлари очилди.



– Туманимизда 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, – дейди Гулшода Асқарова. – Шу боис марказимизда туркман, тожик, араб миллий кийимларини тикиш ҳам ўргатилади. Мингдан ортиқ қиз шу ерда хунарни бўлишди. Уларнинг барчаси ҳам тадбиркор бўлмалиги мумкин, аммо оила ва фарзандлари учун зарур уст-бошларни тикиб, ширинликлар тайёрлаб, гилам тўкиб, рўзгорларига даромад келтиришмоқда. Айталик, келин ўзи сепи учун гиламини, кийим-кечак ва пардаларни ўзи тикмоқда. Бу ҳам оила иқтисодига фойда ахир. Хунараманд аёлларимиз кўй жуни ва ипдан тўқиган гиламларни хорижликлар харид қилишяпти.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Гулшода Асқарова “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови туман босқичи ғолиби деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Норул Нуроова, Ойимхол Аталиқовага насиб этди.

Танлов якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар O'zLiDeP Миришкор туман кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

БУХОРО

Вобкент туманида ўтказилган танловда маҳаллалар саралаш босқичида ғолибликни кўлга киритган 13 нафар хотин-қиз ўзаро беллашди.

Иштирокчиларнинг ўзлари тайёрлаган маҳсулот ва буюмлар, лойиҳалари тақдироти уларнинг меҳнатини яққол тасдиқлаб турарди. Роз-моз маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Пулатова 2024 йилда “Баҳронова Зухро” МЧЖни ташкил этиб, 10 га яқин иш ўрни яратган. Тикув курсида ҳар ойда 20 га яқин хотин-қизга бепул хунара ўргатилмоқда. Шу кунга қадар ўқув-курсини муваффақиятли тугатган 50 нафар ўқувчига сертификат берилди. Ҳайъат қарорига биноан Шаҳнозахон фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди.



Қурувчилик Маърифат Амонова эса ўз уйида кичик цех ташкил этиб, пардачилик, қуроқчилик билан банд. Карвинг ҳамда аэродизайнга ҳам иҳлос қўйган. 2023 йилда маҳалла фаолларининг ёрдами билан банкдан 15 млн сўм кредит олиб, дастурхон ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. 5 нафар маҳалладошини ҳам иш билан банд қилди. Кўрик-танловда унга 2-ўрин насиб этди.

Маҳбуба Холова эса Шакаркентда томорқачилик билан шуғулланиб келмоқда. 14 сотихлик иссиқхонасида сабзавотлар, лимонарийсида эса шифобахш лимон етилмоқда, дармондорилар буюртмачиларга пешма-пеш етказилмоқда. Шижоатли аёл “Намунали томорқачи” кўрак нишони билан тақдирланган. Кўрик-танловда ҳам меҳнатлари алоҳида эътироф этилди ва унга 3-ўрин насиб этди.

Ғолиблар танловнинг вилоят босқичида иштирок этишади.

Қорақўл туман босқичида талабчан ҳакамлар ҳайъати диққат-эътиборини зарафшонлик Лола Уринова ва етти нафар издоши парваришлаган хонака гуллар жалб этди. Нафосат ва гўзалликка йўғрилган ушбу фаолиятга табиийки муносиб баҳо берилиб, Лола Уринова танловнинг фахрли биринчи ўринидан жой олди.

Дўстликлик чевар Махсуда Саидова фахрли 2-ўринга, Эки-қалъалик ишбилармон, мунчоқлардан сумка-ю тақинчоқлар яратиш билан машғул бўлган Зиёда Аҳмедова эса 3-ўринга сазовор бўлди.

Асхор ИСТАМОВ, “XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Ургут туман босқичи 154-мактабда “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” шиори остида ўтди.

Натижаларга кўра, фахрли биринчи ўрин – камардонлик Муқаддам Жабборова, иккинчи ўрин – боғишамоллик Эъзоза Амриева, учинчи ўрин – ўрамаслик Моҳиғул Хуррамовага насиб этди. Хунараманд Муқаддам Жабборова кўрпа-кўрпача, ёстиқ тикишда моҳир. Маҳсулотлари бозоргир. Ўн йиллик фаолияти давомида юздан ортиқ шогирд тайёрлади. 30 нафар доимий иш ўрни яратиб, маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларининг қўлини банд қилди.



Эъзоза Амриева “Тиллақош Анор” бренди остида оддий металлдан миллий услубдаги тақинчоқларни ясаб, қўл меҳнати орқали тайёрлаган маҳсулотларини хорижга жўнатяпти. 30 нафар аёлни иш билан таъминлаган тадбиркор келажакда иш кўламини кенгайтириб, яна 20 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

НАМАНГАН

Танловнинг Косонсой туман босқичида 18 нафар ишбилармон аёл ўз маҳсулотлари ҳамда ғоялари билан иштирок этиб, миллий қадриятлар ва замонавий ёндашуви уйғунлаштирган ижод намуналарини намоён қилишди.

Хулосаларга биноан Боғ маҳалласида яшовчи хунараманд, сумка тўқиш, гул ясаш, каштачиликда етакчи бўлган Наргиза Давлаталиева 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин ширинбулоқлик тадбиркор, духоба кўрпа ва ёстиқлар тикиш устаси Насиба Зариповага насиб этди. 3-ўринни тадбиркорлар қушонлик Мухайё Умарова ва навбахорлик Наргиза Шарифхонова забт этди.

– Бу танлов – фақат рақобат эмас, ўзаро ўрганиш, тажриба алмашиш ва ўзини намоён қилиш учун муҳим майдондир, – деди мутлақ ғолиб Наргиза Давлаталиева. – O'zLiDeP доимо хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз бизнесини бошлашида қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирларни илгари суриб келмоқда. Бу тадбир ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг давомидир.

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХОРАЗМ

O'zLiDeP Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган танлов иштирокчилари фаолиятини баҳолашда уларнинг маҳалла ва туман миқёсида хунарамандчиликни ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратиш, товар экспорти даражаларига аҳамият қаратилди.

Истиқлол маҳалласида истиқомат қилувчи Назолат Собирова 2009 йилдан буён сумкачилик соҳасида самарали меҳнат қилмоқда. Корхонасида 10 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга. Уларнинг кўмаги орқали ишбилармон нафақат даромад топмоқда, балки миллий хунарамандчилик анъаналарини ҳам давом эттирмоқда. “Собир Разоқ” бренди остидаги 20 хилдан ортиқ сумкаларига бозорда талаб юқори.

– Асосий мақсадим аёлларимизга иш ўрни яратиш, уларни касб-хунарга ўргатиш, халқимизни маҳаллий сифатли маҳсулот билан таъминлаш – дейди Назолат Собирова. – Ҳар бир маҳсулотимизда меҳнат, меҳр ва миллий руҳ бор. Келгусида халқаро кўрғазмаларда иштирок этиш, электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиб, чет элга чиқишни режалаштиряпмиз.



Гулистон маҳалласида яшовчи Саида Мамбетова эса гул ва гул кўчатларини етказиш ва пайвандлаш билан банд.

– Гул етиштириш мен учун иш эмас, ҳаётимнинг бир қисмига айланган, – дейди гулчи аёл. – Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, иссиқхоналар барпо этиш ва янада кўпроқ аёлларни иш билан таъминлаш ниятидаман.

Натижаларга кўра, Назолат Собирова биринчи, Шаҳноза Аллаберганова иккинчи, Бахмалгул Рўзметова учинчи ўринни эгаллади.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорларга O'zLiDePнинг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

ФАРҒОНА

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Учкўприк туман босқичи ҳам фидойи тадбиркор ва фермер аёлларни кашф этди. Зеро хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш нафақат уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришига ёрдам беради, балки давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчехра Жўраева, O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши депутати Мухсинжон Абдурахимов, партия вилоят кенгаши аёллар муаммоларини ўрганиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Гулнорахон Зокиржонова, туман ҳокимининг оила ва хотин-қизлар бўйича ўринбосари Гулбахор Алиева ва 51 та маҳалла ғолиблари иштирок этди.



Яқини натижаларига кўра, 1-ўринга Катта-Кенагас маҳалласидаги яқка тартибдаги тадбиркор Кизлархон Мирзабоева, 2-ўринга қурбонқашарлик хунараманд Ёқутхон Раҳмонова, 3-ўринга яқкамуллик Одинахон Юлдашева лойиқ топилди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТАКЛИФ ВА ТАЛҚИН

ЭЪТИРОФ

“МАРКАЗ”ДАН ГАПИРАМИЗ: БИЗДА МУАММОГА ЕЧИМ БОР!

Сўнги йилларда Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва давлат активларини иқтисодиётга жалб қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо амалдаги айрим ҳуқуқий-иқтисодий механизмлар ҳали ҳам тадбиркорлар олдида тўсиқ сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса хусусийлаштириш жараёнларини секинлаштирмоқда, давлат мулкчи объектларининг иқтисодиётга қайта жалб этилишига тўсиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази мазкур муаммоларни Савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда таҳлилий ўрганган ҳолда давлат мулкчи реализация қилиш, қуёш энергетикасини ривожлантириш ва молиявий кафолатлар тизимини кучайтиришга қаратилган бир қатор таклифларни илгари сурди.

Эътиборли жиҳати, таҳририятимиз 20 август – Тадбиркорлар куни муносабати билан ушбу туркум материалларни мунтазам эълон қилиб боради.

ҚҚС бўйича амалдаги тартибни қайта кўриш зарур

Хусусан, Солиқ кодексининг 238 ва 256-моддаларига мувофиқ, давлат мулкчи харид қилаётган тадбиркорлар товар (мулк) учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) мустақил тўлашлари шарт. Аммо амалда бу тартиб қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда:

– харид қилинган бино-иншоотлардан фойдаланиш учун тадбиркорларга қўшимча таъмирлаш ва асбоб-ускуналар олиш талаб этилади;

– кўп ҳолларда молиявий имконият чекланган, айниқса кредит ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида сотиб олаётган тадбиркорлар ҚҚСни дарҳол тўлаш имконига эга эмаслар;

– бу ҳолатлар натижасида тадбиркорларда давлат мулкчи харид қилишга қизиқиш сусаймоқда.

Марказ томонидан илгари сурилган таклифга кўра, давлат мулкчи реализация қилишда ҚҚСни харидор томонидан тўлаш амалиёти бекор қилиниши, яъни бу объектлар ҚҚСиз сотилиши таклиф этилмоқда. Бу орқали хусусийлаштириш жараёнларига рағбат ошади, тадбиркорнинг молиявий юки енгиллашади, давлат бюджети эса тўлиқ ҳимояланади – чунки мулк фаолиятга жалб этилганда ёки қайта сотилганда ҚҚС барибир бюджетга қўланади.

Йирик давлат мулкчи объектларини лотларга ажратиш – бозор талаби

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам катта объектларни хусусийлаштириш жараёнида муаммолар кузатилмоқда. Мисол тариқасида, “Қамаш дон маҳсулотлари қабул қилиш” МЧЖ объектлари қайта-қайта арзонлаштирилган ҳолда сотувга қўйилган бўлса-да, харидор топилмади.

Бу ҳолатлар шуни кўрсатадики, катта объектларнинг ер майдони, нархи, инфратузилма ҳамжамга кўра битта тадбиркор томонидан харид қилиниши амри маҳол. Марказнинг таклифига кўра:

– агар маълум муддат ичида объект сотилмаса, уни функционал лотларга ажратиш керак;

– ҳар бир лот инфратузилмаси, жойлашуви, қўшимча хизматларга яқинлиги ва

иқтисодий самарадорлиги бўйича баҳоланади;

– бундай ёндашув бир неча тадбиркор



иштирокини таъминлайди ва объект қисмлари фаолиятга тезроқ жалб этилади.

Бу тажриба жаҳонда кенг қўлланилади. Масалан, Чехия ва Литвада катта индустриал зоналарни қисмларга бўлиб сотиш орқали хусусийлаштиришни муваффақиятли амалга оширишган.

“Яшил энергетика”га ўтиш барқарор тараққиётнинг асосий шартидир

Кейинги йилларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари сони ортиши билан энергетика ресурсларига бўлган талаб кескин ошди. Электр таъминотидаги узиллишлар эса ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан “яшил иқтисодиёт” тамойилларига оид бир қатор ташаббуслар илгари сурилган:

– қуёш панеллари аксессуарларига (инвертор, кабель ва б.) 5 фоиз божни бекор қилиш;

– юридик шахслар 1 мегаваттгача чекловни олиб ташлаш;

– давлат мулкчи объектлари том қисмида қуёш панелларини ўрнатиш учун тадбиркорларга узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқини

аукцион орқали бериш;

– импорт қилинаётган қуёш панелларининг божнада нотўғри ТН ВЭД (товарлар номенклатураси ташқи иқтисодий фаолият учун) коди билан расмийлаштирилишини олдини олиш.

Шунингдек, “Alfa izvest” МЧЖ мисолида кўрилганидек, расмийлаштиришда кетган хато сабабли тадбиркор 15 млн сўм ортиқча тўлов қилган. Бу каби ҳолатлар тадбиркорларга турли моддий ва маънавий зарар етказмоқда.

Ташқи бозорда рақобатбардошлик – кафолатлар кенгайишига боғлиқ

Ташқи бозорларда фаолият юритаётган, йиллик экспорти 5 млн доллардан ортиқ бўлган, икки йилдан ортиқ вақт мобайнида барқарор фаолият юритаётган ва юқори рейтинг (AAA, AA, A)га эга корхоналар иқтисодиётимиз локомотивлари ҳисобланади. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– тижорат банкларида олинган кредитлар учун 50 фоизгача (лекин 10 млрд сўмдан ошмаган) давлат кафолати бериш;

– бу кафолатлар “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ орқали расмийлаштирилиши таклиф этилмоқда.

Бу тажриба Жанубий Корея, Туркия ва Германияда ўзини тўлиқ оқлаган: экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун давлат томонидан кафолатли кредитлар тизими яратилган.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан тақдим этилган таҳлилий таклиф ва ташаббуслар асосида **Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.**

(Давоми бор)



ТАДБИРКОРНИНГ НОНИ ҚАТТИҚ

Бозор иқтисодиётининг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Эҳтиёж ва талаб мувозанатини билмаган тадбиркор бошлаган ишига қуйиб қолиши мумкин. Иш деб айтаяману, аслида ана шу юмушни, яъни тадбиркорликни бошлаш учун неча куну ойлар елиб-югургани, қанча маблағ кетишини ўйланг! Агар тижорат банклардан кредит олган бўлса, уни вақтида фоизлари билан қайтариш керак.

Эндигина ишбилармонлик қилмоққа чоғланаётганлар учун ўзига хос сабоқ вази фасини ўтатиш мумкин бўлган жиҳатларни айтмоқдан мақсадим, янги тадбиркор, аввало, ишлаб чиқараётган маҳсулотни учун қулай бозор топиши ва у ердаги нарх-навоҳи ўрганиши шарт! Ишлаб чиқаришда таннарх деган мезон ҳам борки, сарфланаётган маблағ қанча фоиз устама, яъни даромад билан қайтишини белгилайди.

Масалан, ўзимдан қиёс: тикувчилик цехи ташкил қилган, бозорда қайси кийим-кечакларга талаб юқори, бир ойда қанча маҳсулот сотиш мумкин, харидорлар диди қандай, деган саволларга жавоб излаб, туманимиз марказидаги машур “Ҳазорасп кийим-кечак бозори” фаолиятини синчиклаб ўрганишимга тўғри келди. Кўрдимки, аксар дўконларда чет элдан ҳамда бошқа вилоятлардан келтирилган катта ёшдаги одамларнинг уст кийимлари сотиляпти. Улар ҳам ҳар бир мавсумнинг талабидан келиб чиқиб, бозорга маҳсулот келтиришни обдон ўзлаштириб олишган. Ўрганиш жараёнида эътибор бердимки, эндигина дунёга келган чақалоқларнинг кийим-кечаклари жуда камёб, сўраб келувчилар кўп экан.

Шундан сўнг ўзим истиқомат қилаётган Бустон маҳалласида тикувчилик цехи ташкил қилиб, чақалоқлар кийим-кечаклари тиқишни йўлга қўйдим. Деярли реклама қилишга ҳам ҳожат қолмади, бирдангина харидор кўпайиб кетди. Ахир юртимиз аҳоли сони ўсиши бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири эканлиги бежиз эмас экан-да! Қисқа муддат ичида ишларимиз юришиб кетди. Тайёрлаётган маҳсулотларимизга эҳтиёж кескин ошиб кетгани учун тижорат банкидан 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга киришдим. Маҳаллада ишсиз ўтирган ўн беш нафар хотин-қизни ишга таклиф қилдим. Уларнинг аксарияти тикиш сир-асорларидан тўлиқ

хабардор эмаслиги учун ўргатишга тўғри келди. Ҳозирги кунда барча тикувчиларимиз ўз касбининг моҳирларига айланган.

Бозорда эса ўз фирма дўконимиз бор. Бундан ташқари айнан чақалоқлар кийим-кечаклари билан савдо қиладиган нуқталарга ҳам пешма-пеш тиккан маҳсулотларимизни етказиб бераймиз.

Туманимиз аҳолиси сони бугунги кунда бир юз саксон мингга яқин. Маҳсулотларимиз харидорлиги охирига кетгани боис кўшни Тупроққалъа ва Богот туманларидаги савдо шохобчаларидан ҳам буюртмалар қабул қилгандим.

Мени қувонтираётган бир ажойиб манзарани сизга айтмайми? Ҳар сафар туман марказий туғруқхонаси олдида ўтар эканман, янги дунёга келган чақалоқларни олиб кетиш учун келган, юзларидан қувонч нурлари таралган ота-оналарни кўрганимда ўз касбим – тадбиркорлигимдан фахрланиб кетаман. Сабаби, албатта бахтли ота-оналар кўлларидидаги бўҳчаларда бизнинг чеvarлар тиккан турли бичим, тусдаги чақалоқлар кийим-кечаклари бўлади-да!

Яқинда туманимиз ҳокими Мақсудбек Абдуллаев корхонамизга келиб, иш фаолиятимиз харидорлиги охирига кетгани боис кенгайтириш бўйича тасвия берди. Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди.

Насиб этса, олдинда катта режалар турибди. Бунда ҳам бозор сийбасатининг олтин қоидаси, яъни талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, харидорнинг ва арзон кийим-кечаклар тикишга эътибор қаратамиз. Ассойиби, шу орқали янада кўпроқ хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам муваффақ бўламиз.

Комила СОБИРОВА,
“Рўза Комила” хусусий
корхонаси раҳбари.
Ҳазорасп тумани.

ТАШАББУС

Бугунги глобаллашув шароитида барқарор иқтисодий тараққиётнинг пойдевори – тадбиркорлик ва фермерликка таянади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – O’zLiDeP ҳам иқтисодий сийбасатнинг фаол иштирокчиси сифатида самарали ташаббуслар ва амалий лойиҳаларни ҳаётга табиқ этмоқда. Бу борада Ангрен шаҳридаги Эркин иқтисодий зонасида ташкил этилган “Тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам” ҳамда “Фермер ва деҳқон хўжалиқларига ҳуқуқий ёрдам” акциялари доирасидаги кенг қамровли очиқ мулоқот муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур очиқ мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Атам Назирқулов, партия Си-

Ишбилармонлар ислохот марказида



ёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудир Бахтиёр Руҳитдинов, O’zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев, адлия ва банк, савдо-саноат палатаси ҳамда бандлик соҳаси мутасаддилари иштирок этди.

Қарийб 100 нафар тадбиркор ва фермер иштирок этган учрашувда тадбиркорлар дуч келаётган реал муаммолар эшитилди, уларни жойида

ҳал этиш чоралари муҳокама қилинди. Баъзи муаммолар юзасидан депутатлик сўровлари тайёрланиб, тегишли идораларга муурожаат қилишга келишилди.

Тадбирнинг мақсади – тадбиркорларнинг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, муаммоларга амалий ечим топиш, шунингдек, қонунчилик ташаббусларини жойлардаги фикр ва эҳтиёжлар асосида шакллантиришдир.

Тадбиркорларнинг муваффақияти – мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва барқарор ривожланишининг асоси саналади. Бугунги кунда дунё тажрибасида ҳам хусусий бизнесга кенг имконият яратилган давлатлар иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича олдинги сафда эканлиги маълум. Жумладан, Жанубий Корея, Сингапур ва Германия каби давлатлар кичик ва ўрта бизнесга юксак эътибор

қаратиши туфайли иқтисодий барқарорликка эришган.

Ўзбекистонда ҳам шундай ёндашув мавжуд: тадбиркор – давлат таянадиган ишбилармон, инвестор ва иш ўринлари яратувчиси. Шу сабаб партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан йўлга қўйилган ушбу акциялар ҳуқуқий билимларни ошириш билан бирга, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлмоқда.

Мулоқот давомида балиқчиликни ривожлантириш, ер ажратилишидаги кечкишлар, банк тўлов тизимидаги мураккабликлар, солиқ қонунчилигидаги тушунмовчиликлар – энг кўп кутарилган масалалардан бўлди. Фермерлар эса сув таъминоти, агротехника воситалари ва мавсумий меҳнат ресурслари билан боғлиқ муаммоларни алоҳида тилга олишди.

Бу муаммолар юзасидан йиғилган маълумотлар асосида тартиб-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар тайёрланиши белгиланди. Бу жараён мамлакатда фуқароларнинг қонунчилик

ташаббусларига таъсир қилганини таъминлаш борасида муҳим амалий қадам бўлади.

O’zLiDeP вакилларининг таъкидлашича, тадбиркорларнинг фаолият юритишига ҳалақит қилаётган ҳар қандай тўсиқни бартараф этиш – партия фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан биридир.

Фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ислох этиш ва янги иш ўринлари яратиш ҳуқуқий кафолатлар ва амалий ёрдам билан амалга ошади. Бу борада “Бир тадбиркор – ўн та иш ўрни” тамойилидан келиб чиқиб, тадбиркор ва фермерларнинг ҳар бир ташаббуси қўллаб-қувватланиши зарур.

O’zLiDeP томонидан ташкил этилган очиқ мулоқотлар, ҳуқуқий акциялар ва амалий ечимларга қаратилган ташаббуслар шу мақсад йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Зухро МИРЗОХАМДАМОВА,
O’zLiDeP Тошкент вилоят
кенгаши бўлим мудир

30 июль – Халқлар дўстлиги куни

ҲАР БИР МИЛЛАТНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ УЛУҒ

Кўп миллатли халқимиз – бизнинг энг катта бойлигимиз, юртимиздаги миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик – барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам асосидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, миллатлараро бағрикенглик давлатларга нима беради? Бағрикенглик – жамиятда адоват ва можароларнинг камайиши, ички барқарорлик, ижтимоий тотувлик ва хавфсизликнинг таъминланишига замин яратади. У орқали ҳар бир фуқаро ўзини давлатнинг ажралмас қисми сифатида ҳис қилиб, масъулиятни англайди.

Бу муҳитда фуқаролар тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, тинчлик ва барқарорлик иқтисодий ривожланишга, сармоя киритилишига, ишлаб чиқариш ва туризмнинг ўсишига имкон яратади. Инвесторлар учун ҳам бундай муҳит жозибадордир. Бағрикенглик турли миллат ва элатларнинг маданий мероси, тили ва анъаналарини сақлашга ёрдам беради, миллий маданиятлар ўртасида ўзаро боийишни таъминлайди. У инсонпарвар ва адолатли давлат имижини шакллантириб, халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сенати томонидан қабул қилинган “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган ғоялари бу борада ҳуқуқий ва маънавий асосни яратди. Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни кенг нишонланиши мамлакатимиздаги 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари умуий манфаатлар йўлида бирлашувини акс эттирмақда. 16 та диний конфессия, 157 та миллий маданий марказ ва

нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик бугунги кунгача Тошкент – нон шаҳри дея таърифланишига сабаб бўлган. Бу инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари ўзбек халқининг азалий қадриятларидан саналади. Қрим-татар миллий маданий маркази фаоли Фебзи Якубов ўз асариде: “Агар Сингапур микротехнологияда, Германия саноат техникасида, Нидерландия қишлоқ хўжалигида етакчи бўлса, Ўзбекистон бошқа миллатларнинг кадр-қимматини улуғлашда биринчи ўринда туради”, деб таъриф бериши бежиз эмас. Бу эътироф халқимизга нисбатан чуқур эътиром ва эътирофнинг намунасиридир. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга ошири-



Бағрикенг муҳитда вояга етган ёшлар ўзаро ҳурмат, мулоқот маданиятига эга бўлиб, миллатчилик ва экстремизмга қарши иммунитетга эга бўлади. Дарҳақиқат, инсоният тарихи шундай гувоҳлик берадики, ҳар бир тараққий этган жамиятнинг пойдевори – миллатлар ўртасидаги аҳиллик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат туйғуларига асосланган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистон дунёда ўзига хос ўрнига эга бўлган кўпмиллатли мамлакат сифатида миллий ҳамжиҳатлик, маданий хилма-хиллик ва диний бағрикенгликни ўз сифатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаган. Бугунги кунда сайёраимизда 1 600 дан зиёд этник гуруҳлар фаолият юритиб, уларнинг тинч-тотув, тенг ҳуқуқли ва дўстона ҳеч қачонгириши учун миллатлараро тотувлик ғояси глобал аҳамиятга эга маънавий қадриятга айланган. Жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ва бағрикенглик таъминлаш учун қабул қилинган халқаро ҳужжатлар – жумладан, ЮНЕСКОнинг 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни декларацияси бу соҳада илғор ғоялардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу глобал қадриятларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Конституциямиз, қонунларимиз ва давлат раҳбарининг халқаро майдондаги чиқишлари орқали ўз ифодасини топмақда. Жумладан, 2021 йил 5 февралда Олий Маж-

42 та дўстлик жамияти фаолияти орқали миллатлараро ҳамжиҳатлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани – мамлакатимиздаги кўпмиллатли жамиятнинг ёрқин намунасиридир. Бу ерда 240 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 60 фоизини ўзбеклар, 24 фоизини туркманлар, 7 фоизини қозоқлар, 6 фоизини қорақалпоқлар ва 3 фоизини рус, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари ташкил қилади. Тумандаги 70 та умумтаълим мактабининг 44 тасида ўзбек, 20 тасида туркман, 5 тасида қозоқ ва 1 тасида қорақалпоқ тилида таълим олиб борилаётгани ҳар бир миллат ва элатнинг тил ва маданиятига ҳурмат билан ёндашилаётганидан далолат беради. Шунингдек, туманда фаолият юритаётган Туркман миллий маданий маркази турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, этномаданий эҳти-ёжларни таъминлаш ва миллий қадриятларни асрашга хизмат қилмоқда. Тарих саҳифаларига назар ташласак, 1930 йиллардаги очарчилик пайтида Ўзбекистонга бошқа минтақалардан юзлаб миллат вакиллари келган, ўзбек халқи эса уларни очиқ юз ва самимий бағрикенглик билан қарши олган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб етим болалар ва муҳтож оилаларга

лаётган давлат сиёсати, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, урф-одат ва анъаналарни асраш, турли миллат ва элатларнинг маданий меросини қўллаб-қувватлаш – глобал миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Халқлар дўстлиги куни – нафақат рамзий байрам, миллий ҳамжиҳатликни англашувчи, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамловчи муҳим сана ҳам бўлиб, у мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон – миллатлар ва инсон қадри улуғланган, ҳар бир инсон ўзини тўлақонли фуқаро сифатида ҳис қиладиган юрт. Халқлар дўстлиги куни нафақат тарихий ҳақиқатлар, балки бугунги барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги чинакам бирдамлик, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурматнинг рамзи сифатида келажакка йўлланма вазифасини ўтайди. Кунни кеча юртимизда кенг нишонланган байрам барчамизга муборак бўлсин! У бизни янги марралар сари елкадош этиб, мустаҳкам дўстлик кўприги бўлиб хизмат қилсин.

Жонибек СЕТТИЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Тўрткўл туман бўлинмаси раҳбари,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНСА, САВОЛГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

Халқ депутатлари Косон туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида Президентимизнинг 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Косон туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Шухрат Авазовнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, туманда жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 44 минг 848 нафар аҳоли доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш билан таъминланган. Шундан 6 660 фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлган. Уларнинг 1 965 нафари банк, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик субъектларига, 903 нафари инвестиция дастурлари доирасида, 1 218 нафари эса ижтимоий инфратузилма ва қурилиш ташкилотларига ишга жойлаштирилган. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатида ишсизлар сони 6 841 нафарни ташкил этмоқда. Йиғилишда депутатлардан Нуриддин Тошқулов, Муроджон Маъдиев ва Нурия Расулова сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ахлит тизим жорий этилгани эътироф этишди. Оилавий тадбиркор-микробизнес – кичик бизнес – ўрта бизнес занжирини асосида фаолиятини янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётган бўлса-да,

туманда тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш ишларида камчиликлар учраётганини айтиб ўтишди. Хусусан, аҳолига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун молиявий кўмак беришнинг барча босқичлари (аризани кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш, кафилик бериш ва кредит ажратиш), таъминотларини назорат қилиш, гаровга олинган мулкларни таққидан тўлиқ ёки қисман чиқариш ҳамда алмаштириш жараёнларини электрон платформалар орқали марказлашган ҳолда ташкил қилиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. – Оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигини яхшилашда бандликни таъминлаш муҳимлигини мутасаддилар чуқур англаб етмоғи керак, – деди халқ депутатлари Косон туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Зиёда Турсунова. – Ўтган ярим йилда туманда 44 минг 848 нафар аҳолининг бандлиги таъминлангани яхши. Аммо уларнинг 6 660 нафаригина доимий ишга жойлаштирилган, холос. Аксарияти вақтинчалик ва мавсумий ишларга жалб этилган. Тўғри, баҳор

ва ёз ойларида дала ишлари авж олади. Ана шунда мавсумий ишчи кучига талаб ниҳоятда юқори бўлади. Аммо куз киргач, фермерлар уларни бўшатиб юборади. Қиш ойларида рўзгорини қандай тебратди, бу ҳам оғриқли муаммо эмасми? Шундай экан, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, молиявий кўмак ва жой ажратиш керак. Токи улар тенгқурларини, маҳалладошларини бандлигини таъминласин. Оқова сув тақчил бўлган жойларда томчилатиб суғориш орқали иссиқхона ташкил этиш, плёнка остида эртаки тарвуз етиштириш, кўчатчилик, лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш орқали ҳам бандликни таъминлашимиз мумкин. Йиғилиш сўнгиде кўтарилган муаммолар юзасидан депутатнинг назорат таҳлил фаолиятини кучайтириш, қатъий назорат ўрнатилиш, гуруҳ томонидан ноибларнинг янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш борасидаги ишларини таҳлил этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ЭЪЛОН

TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI” INJINIRING KOMPANIYASI TOMONIDAN O'TKAZILAYOTGAN TANLOVDA ISHTIROK ETISH UCHUN TAKLIFNOMA

Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 2-iyuldagi 441-F-sonli (XDFU) farmoyishiga muvofiq Toshkent shahar hokimligi “Yagona buyurtmachi xizmati” injiniring kompaniyasi buyurtmachiligida Toshkent shahar Chilonzor tumani Bo'zsvu kanalining Oqtepa maydonidan kichik xalqa avtomobil yo'ligacha (oqim bo'yab chap tomoni) bo'lgan qismida sayilgoh tashkil etish (keyinchalik obyekt deb yuritiladi) ishlarini amalga oshirish, bunda pudratchilarni ichki tanlov orqali eng yaxshi takliflar asosida aniqlash belgilangan. Shu sababdan, sizni ichki tanlovda qatnashib, o'z taklifingizni taqdim etishingizni so'raymiz. **Tanlovni o'tkazish** – eng yaxshi takliflarni tanlash orqali aniqlanadi. **Ishning batafsil tavsifi** – Toshkent shahar Chilonzor tumani Bo'zsvu kanalining Oqtepa maydonidan kichik xalqa avtomobil yo'ligacha (oqim bo'yab chap tomoni) bo'lgan qismida sayilgoh tashkil etish. **Boshlang'ich narx** – 27 797 213 518 so'm QQS bilan. **Ishlarni tugallash muddati** – 180 kun. **Tanlov o'tkaziladigan joyning manzili:** Toshkent sh. I. Karimov k. 16^A-uy 409 xona. **Quyidagilarga tanlov savdolarida ishtirok etishga ruxsat berilmaydi:** qayta tashkil etilish (bo'linish, qo'shilish), tugatish yoki bankrotlik arafasida turganlar;

mol-mulki musodara olinganlar hamda muassislik kelishuv, moliyaviy ishtirok, xolding va boshqa shaklda ifodalangan bevosita tashkiliy-huquqiy yoki bir-biriga moliyaviy qaramligi mavjudlar; qurilish va uy joy kommunal xo'jaligi vazirligi tomonidan yuritilayotgan elektron reytingda ko'rsatkichlari mavjud bo'lmagan tashkilotlar. **Obyekt moliyalashtirish manbasi:** Toshkent shahar mahalliy budjetining qo'shimcha manbalari hisobidan. **Qo'shimcha ma'lumotlarni quyidagi manzildan olishingiz mumkin:** Toshkent shahar I. Karimov ko'chasi 16^A-uy, 409 xona. Telefon: 71-239-17-50. Takliflarni topshirishning oxirgi muddati 2025-yil 6-avgust soat 10-00gacha. Taklifni manzilga chiqib o'rgangan holda berishingizni so'raymiz, bunda taklif muhrlangan konvertda bo'lishi va quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim: **obyekt bo'yicha ishlarini bajarishga narx taklifi, kafolat xati, Budjet va budjetdan tashqari maqsadli jamg'armalar oldida soliq qarzi yo'qligi haqidagi ma'lumotnoma (Soliq qo'mitasi tomonidan QR kodli hamda tanlov o'tkazish davrida olingan bo'lishi lozim).** **Tanlov hujjatlari va namunalari elektron ko'rinishda taqdim etiladi.**

Хизматлар лицензияланган!

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи:

Ўйлаямиз, ёзаямиз, яшаймиз...

Икки фикр, икки ҳиссиёт, икки нигоҳ, икки дард, икки ҳақиқат, икки ёлғон, икки дид билан бир том остида яшаётганлар талайгина. Гулни кўрган қулга, қулни кўрган гулга қайрилиб қарагиси келмайди. Начора! “Муқаддас ришта” – тўда овози, қолаверса, “маъсум болаларнинг маъюс бахти”. Шужрки, икки нигоҳ билан ҳам бир хаёлни кечираётганлар, борлиқни биргалликда туяётганлар йўқ эмас. Бу бирлик қаршида қайғунинг-да қадди букилади.

Ўзбек аёллар насри борасидаги қолиблаган тасавурларимизни пучга чиқараётган, нигоҳини руҳиятнинг зиддиятли чигириқларига, жамият жароҳатларига қаратаётган адиба Зулфия Қуролбой қизи неча йилдирки залворли юрак эгаси, истеъдодли ёзувчи, таниқли журналист Абдуқаюм Йўлдошга ҳамроҳлик қилиб келяпти.

– Санъат – муҳаббат ва нафрат, ҳақиқат ва ёлғон, жаҳолат ва эзгулик, ҳиссиёт ва тафаккур, ҳаёл ва ҳаёт, таскинлар ва афсуслар, хуллас, еру осмон висолидан мавжуд бўлган ЁЛГИЗЛИКнинг инъикоси. Балки, шу учун ҳам ижодкор фарзанди ўзининг йўлидан кетишини истамас. Узи чекаётган руҳий изтироблардан, эврилишлардан, виждон тўлғоқларидан, ютқишлардан боласини аяш учундир, эҳтимол?..

Зулфия Қуролбой қизи: – Йўқ, барибир, мен истайман. Чунки адабиётга яқин одамдан ёмонлик чиқмайди. Қолаверса, шуни аниқ айта оламани, ўғлим билан катта қизимда адабиётга нафақат ҳавас, балки жиччагина истеъдод ҳам бордай. Тўғри, улар ҳозирча бошқа соҳани танлашди. Аммо бўш вақтларида тузукгина ҳикоялар қоралаб туришибди. Қолганини вақт кўрсатар...

Абдуқаюм Йўлдош: – Бу менинг хоҳишим билан бўладиган иш эмас-да. Истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат деишилади. Лекин ҳамма сир ўша бир фоизда! Иқтидорсиз одам ўзини курсига боғлаб қўйиб, бир ҳафта бош кўтармай нимадир ёзиши мумкин, лекин бу асар эмас, тузсиз ошдек бемаза нарса бўлади.

Умуман олганда эса, мен ёзувчи бўлиш учун филология ёки журналистика бўйича олий маълумот олиш шарт эмас, деган фикрдаман. Аксинча, ҳаёт мактабининг сабоқлари қўшилган истеъдод муҳимроқ. Чеховнинг врач, Достоевскийнинг инженер, Солженициннинг математик, Айтматовнинг зоотехник бўлганини эсланг. Агар истеъдод ҳақиқатан бор бўлса, у бир куни барибир юзага чиқади.

– Муаллиф сифатида ёзганларингиздан дил хира торган дамлар учраб турса керак?

Абдуқаюм Йўлдош: – Мактабда ўқиб юрганда геометрия ўқитувчимиз надомат ила: “Бизда қоғоз ишлаб чиқариш саноати жуда яхши ишлаяпти-ю, лекин ҳар хил ёзувчи-позувчилар кўпайиб кетди-да”, деб туриб, менга маънодор қараб қўйганди. Бу дақиқа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ички маъсуллатни туги турадиган, асарингни ўзинг қайта ўқиган пайтигда юзинг қизариб кетишидан асрайдиган залворли-залворли сабаблар кўп, фақат уларга риязати қийинроқ кечеди-да.

Ёзганларимдан уялмайман. Уларнинг ҳаммаси мен учун азиз. Муҳими шу.

Зулфия Қуролбой қизи: – Мен эса айримларидан уяламан. Бир вақтлар “сарик матбуот”да ишлаб юрган кезларим қалам ҳақи учун кўп нарсаларни ёзиб ташлаганман. Уларни асар деб бўлмайди. Лекин ўқувчилар шунақа нарсаларга қизиқиб, талаб қилишса, газета раҳбарлари бозориги мавзуларни узлуксиз бюртма қилиб туришса ва яна яхшигина қалам ҳақи тулашса... одам қизиқиб кетганини билмай қоларкан-да. Ўғлим Шахриёр: “Онагинам Алвардо, қушларни бўяб сотишни қачон бас қиласиз?” дерди. “Вақти-соати келганда”, деб жавоб берардим. Лекин мундоқ олиб қараганда, ҳозирча сал-пал дуруст



деб эътироф этилаётган асарларимнинг аксарияти айнан ўша вақтларда қоғозга тушган.

Абдуқаюм Йўлдош: – Қозоқбой ака (Йўлдошев) баъзан бюртма сабаб бўлиб яхши асар яратилиши мумкин, деганди. Рост экан. Зулфиянинг “Кўланка” ҳикояси “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин аканинг “Бизгаям бир нарса ёзиб беринг, фақат икки-уч ҳафта ичиди”, деган “қатъий бюртмаси”дан кейин пайдо бўлганига ўзим гувоҳиман.

– “Фалончи устоз бўлганлариди эди, бунга ҳеч йўл қўймасдилар”, деганга ўхшаш гаплар қулқоққа чалиниб туради. Бироқ синчиклаб кузатсанг, уша қиёфаларнинг ҳам “мана, адабиёт” деб кўтар-кўтар қилган баъзи нарсалари сўз санъатининг бор-йўғи сояси, руҳиятнинг хомаки чизгилари эканини фаҳмлаш қийин эмас... Адабий жараёндаги айрим томошаларни кўриб, ичи бўм-бўш ногорадан “Чўли ироқ”ни чиқаришга уриниш бир анъана экан-да, деган кўникма пайдо бўляпти менда...

Абдуқаюм Йўлдош: – Лермонтовда “Замондош наслимга қарайман ғамгин”, деган мисра бор. Мен бугун адабий жараёнда ўралашиб юрган кўплаб “ёзувчи” ва “шиғирчи”ларгаю уларнинг кўп сонли “муҳлис”лари-га ачиниб қарайман. Сизнинг куйинганингизча бор, бундай қаламашларнинг ошиғи олчи: қалин муқоваларда, катта-катта тиражларда кетма-кет китоблар чиқариб ётишибди, бирор жойга боришса ғурур билан ўзларини “мен ёзувчиман” ёки “мен шоирман” деб танитишади. Тушунмайман: юракдан чиққан битта самимий жумла ёки мисра ёзмасдан ҳам “ёзувчи” ёки “шоир” бўлиш мумкин экан-да, а? Лекин бу ғалатиликнинг бошқа томони ҳам бор: бундай “ёзувчи” ва “шиғирчи”лар тўдаси ортида улар ишонган, уларни жон-жаҳдлари билан қўриқлайдиган номдор “фалон-

чи-пистончи акахон”лари туришади. Бир эмас, бир неча бор шундай бўлди: тақризга берилган “танқиддан тубан” асар ҳақидаги номдор ёзувчиларнинг “оқ йўли”ю, муаллифни салкам классик адибга чиқариб қўйган серкўпик мақолаларга эътибор бермасдан холис фикрларни ёзиб берасан. Эртаси кундан эса кўнғироқ ёки ишонангга “визит”лар бошланади: “Тушунмадик, фалончи-пистончи акахонларга жуда ёққан асар нега энди сизга ёқмайди?”

Бундай гуруҳ ва гуруҳчалар бугун ёки эртага йўқ бўлмайди, албатта. Эҳтимол, уларнинг ишлари янада юришиб кетар. Аммо, шужрки, адабиётимиз савиясини бундайлар бегиламайди. Назаримда, кейинги беш-олти йил ичиди оғирқарвон насримизда бир гуруҳ ҳақиқий иқтидор соҳиблари чиқаятандек. Гап уларни асраб-авайлашда, ҳаммашагидай, истеъдодсизлар бемалол ўз йўлларини топиб кетаётган бир шароитда истеъдодларга ёрдам беришда, уларни тушунишга уринишда. Токи бу салоҳиятли қаламашларнинг ҳам овози “икки дарё оралғида” қолиб кетмасин...

Кейинги пайтларда пайдо бўлган яна бир туркум “ёстиқдай-ёстиқдай” асарларни ўқиб эса, беихтиёр ўтган асрнинг 50–60-йиллари сандиғида қолиб кетган “конфликтсизлик назарияси” яна реабилитация қилинганми, кечая кунга бугунги кун нуктаи назаридан баҳо бериш кўникмаси урчиб кетмаяптими, деган хавотирга борасан киши. Ижодкорни халқнинг виждонига ўхшатишади. Виждонга эса адабий маддоҳлик, ҳақиқатни сохташтираш ярашмайди...

Зулфия Қуролбой қизи: – Тўғриси айтсам, менинг бировларга ачинишга ҳам, уларни танқид қилишга ҳам вақтим йўқ. Аввалдан шошиб яшардим, худди ҳеч нарсага улгуролмай қоладигандай. Ҳозир ҳам шундай. Қолаверса, уй-рўзғор, тўрт бола, келди-кетди, борди-келдилардан ортган озгина вақтимни адабиёт учун, ўзим учун сарфла-

ётганимнинг ўзи катта гапдай туюлади. Маддоҳлар, маҳаллийчилик билан ҳам ишим йўқ. Кўпгина истеъдодли кишилар аламзадалик тўфайли чеккада қолиб кетган. “Мен уларнинг “тоғора”сига сиғмадим, бор-е, ҳаммасини бердим ўшаларга!” деб қўл силтаб кетиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Шу ўринда Франц Кафканинг бир гапи менга ёқди: “Хонага кир. Эшикни ёп. Ёзув столига ўтир. Ва кут. Кут. Шунда сенга бутунлай бошқа олам юз очади...”

– Бу жиддий гаплардан кейин оилани ҳам эслаб ўтмасак бўлмас...

Абдуқаюм Йўлдош: – Ойлангиз асоси муҳаббат ва эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши бўлса керак. Кейинги қаторда фарзандлар олдидаги масъулият туради.

Зулфия Қуролбой қизи: – Биз фарзандларимизни ўстиряймиз, ишлаймиз, ўйлапмиз, ижод қиляпмиз, чарчаяпмиз, изтироб чекяпмиз, севиняпмиз, бир сўз билан айтганда, яшяпмиз.

– Шоир Эшқобил Шукурнинг бир шеърда “Лаҳзада яша, лаҳзани ушлаб қол” деган маънодаги фикр бор. Лекин тўтқиб бермас лаҳзалар, яшалмаган умр армонини ҳар ким ҳар хил тушунади...

Абдуқаюм Йўлдош: – Вақт. Энг қиммат ва энг арзон бойлигимиз... Ўзбекда нима кўп – тўй кўп, базм кўп. Бунга сўнги пайтлари ёмғирдан кейинги кўзқориндай кўпайиб кетган “гап”лару “ош”ларни қўшинг. Ишқилиб, йилнинг 365 кунига бемалол етиб ортади. Дейлик, уйимдан юз қақирим нарида яшайдиган танишимнинг соат бешда тарқатилдиган наҳорги ошига етиб бормасам, осмон узилиб ерга тушади-ми? Ё мен одамгарчиликдан чиқиб қоламанми? Ахир, бу ахволда қачон ишлаймиз, қачон ижод қиламиз, қачон ФИКРЛАЙМИЗ?

Зулфия мени бунақа тадбирларга қатнашишга ундайди: “Ахир бир кун сиз ҳам элга ош берасиз, шунда мана шу улфатларингиз ёнингизда туради”. Бунақа манфаат илинжи мени баттар қониқтирмайди, унга Эркин Аъзамнинг бир қаҳрамони гапларини ўқиб бердим: “Ҳали хўроз қичқирмай туриб шаҳарнинг бир чеккасидан нариги чеккасига ошга бориб, кейин кун бўйи ишхонада мудраб ўтирамиз! Униси камдек, пешин бўлар-бўлмас, тагин ошхўрликка отланамиз. Тушлик баҳона, тиш кавлаб соат икки-учларда қайтамиз. Қорин шишган, қўл ишга бормайди, яна талай замон ланж! Стол устини саранжомлаб, энди ишга киришаман деганингизда иш куни тугаб қолади... Бунақа баррикенг ҳукумат қайда бор-а?!”

Лекин, таассуфки, аксар ҳолларда урф-одатлар, анъаналар одамдан устун келади. Мисол учун, ортиқча сарф-харажатли, дабдабали тўй ҳеч кимга керак эмаслигини ҳамма билади, аммо кимўзарга тўй қилиш кучайгандан кучайиб борапти. Мен ҳам элга қўшилиш, ажралиб қолмаслик учун ора-сера “ош” ва “гап”ларда кўриниб тураман. Ўзимни ишонтириш учун “Хонанишинлики давр кўтармайди”, деб қўяман.

Зулфия Қуролбой қизи: – Лекин одам одамлар орасида бўлгани, уларга аралашиб тургани яхши. Агар шу нарсалар баҳона бўладиган бўлса, мен бир сатр ҳам ёза олмаслигим керак эди. Очиғини айтаман, дугоналарим билан “гап”имиз бор. Аммо бу ерда гап эрта тўй қилсам, шулар ёнимда туради, деган манфаатда эмас, аслида. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен одамлар орасида бўлганимда улардан кўп нарсани ўрганаман, эшитаман, ҳар хил фикрлар, сюжетлар мана шундай дамларда пайдо бўлган миямда. Гоҳида ўзимга ҳам ғалати туюлади-ю, лекин айтмасам бўлмайди, мен ўша “гап”ларга, тўйларга одамлардан нимадир эшитиш учун бораётгандай туюламан. Мана шунан манфаат деса бўлади, менимча...

– Сизлардаги руҳий мувозанатни нима бузиб, асабийлаштириши мумкин?

Абдуқаюм Йўлдош: – Ҳасад билан ғийбат; истеъдодсизнинг истеъдод даъво қилиши.

Зулфия Қуролбой қизи: – Ҳасад билан ғийбатни ҳамма ҳам ёқтирмас керак. Лекин ёмон кўриш билан бирор нарсага эришиб бўлмайди. Яхшичи, шунақа нарсалардан юқориққоқ туришга ҳаракат қилиш керак, дейман. Дунё икки қарама-қаршилик – яхшилик ва ёмонлик асосига қурилган бўлса, наилол! Шундай экан, одамлардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Ҳатто ўз яқинингиздан ҳам. Бундан дил оғрийдил, албатта. Ўзингизни тубсиз жарликка тушиб қолгандай ҳис қиласиз. Муҳими, ана шу “жар”ликда қолиб кетмаслик! Мана шуну тушуниб ётганимча, эҳ-ҳе...

– Мени бир-бирларингизнинг ижодларингизга муносабатингиз қизиқтиради.

Абдуқаюм Йўлдош: – Албатта, биз “социалистик мусобақа” ўйнаб қалам тебратмаймиз. Бунинг устига, иккаламизнинг ёзиш услубимиз бир-бирдан кескин фарқ қилади. Зулфия ёзганларининг биринчи ўқувчиси ва, албатта, биринчи танқидчиси ўзим бўламан. Пашшадай камчилик топиб олсам бас, “Шу ҳам асар бўлди-ми? Бунақаларни мен чап қўли билан ёзиб ташлайман!” қабилида “урган-урган”. Лекин “Тафаккур”, “Момо Ҳаво”, “Аёл”, “Кўланка” каби ҳикояларини, “Армон асариси” романини ўқиганимда иккала кўлимни кўтариб таслим бўлганман: “Женгдинг, Қуролбой қизи!” деб.

Зулфия ёзганларини танқид қила бошласа, рости, бу менга ёқмайди. “Сен филологсан, адабиётни тушунасан!” тарзида қарши ҳужумга ўтаман. Кейинроқ, ёлғиз қолган, ўша танқид қилинган жойларни қайтадан ўқиб чиқаман. Кўпинча у ҳақ бўлади. Нимаям дердим...

Зулфия Қуролбой қизи: – Менга Абдуқаюм аканинг “Шайх-ур-раис”, “Тушов”, “Уч қоп ун” каби ҳикоялари ёқди. Аммо... тўғриси айтсам, “Алвидо, гўзаллик”ни мен сал бошқачароқ ёзган бўлардим.

Иқбол ҚЎШШАЕВА
суҳбатлашди.

2012

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Бюртма рақами: Г – 745
Адади: 5105
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА